

The logo for the Institute for Macroeconomic and Regional Studies (IMRS) is a red square with the letters 'IMRS' in white, bold, sans-serif font.

Institute for Macroeconomic  
and Regional Studies

МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ

Қўллаб-қувватлаш борасида  
амалга оширилаётган ислохотларнинг  
самарадорлигини баҳолаш

МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ

Қўллаб-қувватлаш борасида  
амалга оширилаётган ислохотларнинг  
самарадорлигини баҳолаш





Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МХТИ) томонидан 2024-йилнинг июль ойида мамлакатимиз ҳудудларида турли соҳаларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар орасида махсус тайёрланган саволнома асосида “онлайн” сўров ўтказилди. Сўров натижаларига кўра, қуйидагилар аниқланди:

**Маълумот учун:** Ўтказилган онлайн сўровда республикамизнинг барча ҳудудларидан (14 та ҳудуд, 204 та туман/шаҳар) жами 11300 дан ортиқ турли йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари иштирок этди.

Сўровнинг асосий мақсади:

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган Президент ва ҳукумат қарорларининг таъсирини ўрганиш ва самарадорлигини баҳолаш, имтиёزلардан фойдаланишда юзага келган муаммоларни аниқлашдан иборат эди.

Сўровда иштирок этганларнинг 21,7 фоизини саноат соҳасида, 21,0 фоизини қишлоқ хўжалиги, 27,3 фоизини савдо ва умумий овқатланиш, қолганлари эса хизмат кўрсатиш соҳасининг турли йўналишларида шуғулланувчи тадбиркорлар ташкил этди.

**Маълумот учун:** Статистика агентлигининг маълумотларга кўра, 2024-йилнинг биринчи ярмида республика бўйича фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг (умумий сонидаги улуши) 38,2 фоизини савдо, 15,8 фоизини саноат, 8,4 фоизини қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида иқтисодий фаолият тури билан шуғулланган тадбиркорлик субъектлари ташкил этган.

Ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра, сўровда қатнашганлар орасида маъсулияти чекланган жамиятлар (41,7 фоиз) ва яқка тартибдаги тадбиркорлар (21,5 фоиз)нинг улуши юқори бўлган. Шунингдек, оилавий корхоналар (6,3 фоиз), хусусий корхона эгалари (11 фоиз) ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари (9,1 фоиз) ҳам мазкур сўровда қатнашган.

Ҳудудлар бўйича Тошкент шаҳри (1391 нафар), Сирдарё (1220 нафар), Андижон (973 нафар), Қашқадарё (912 нафар), Жиззах (841 нафар) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (806 нафар) тадбиркорлари мазкур сўровда фаол иштирок этган.

## Тадқиқот натижалари:

### 1. Давлат томонидан тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишдаги муаммо ва қийинчиликлар.

1-расм. Тадбиркорлар учун берилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишдаги муаммо ва қийинчиликлар (сўровнома натижалари, июль 2024 йил, %)



Бу борада респондентлар турлича фикр билдирган. Мазкур имтиёз ва преференциялардан хабардор бўлишда ҳеч қандай муаммо ва қийинчилик йўқлигини респондентларнинг 40,1 фоизи эътироф этган. (2023-йилнинг июль ойида ўтказилган сўров бўйича эса 48,2 фоизи). Лекин тадбиркорлар маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлгани ва қийинлиги (25,7 фоиз), тадбиркорлар билан коммуникация каналининг яхши йўлга қўйилмагани (13,3 фоиз),

тегишли соҳа ёки бизнесга аниқ мос келадиган маълумотларни бир жойдан топишнинг қийинлиги (13,2 фоиз) ҳамда мунтазам янгиланиб бориладиган маълумотлар базасига кириш қийинлигини (7,7 фоиз) қайд этган (1-расм). Худудлар кесимида Андижон ва Хоразм вилоятларида маълумотлар тарқоқ ва мураккаб эканлиги муаммоси нисбатан юқори (мос равишда 34,5 фоиз ва 34,8 фоиз) бўлган.

## 2. Расмий ҳужжатлар қабул қилинишидан олдин тадбиркорларнинг уларга оид фикр-мулоҳазаларини инобатга олишнинг муҳимлиги.

2-расм. Расмий қарорларни қабул қилинишидан аввал тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишнинг муҳимлиги (сўровнома натижалари, , 2024-йил, июль (%))



Тадбиркорларнинг фикрига кўра, Президент ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлиги ва манзиллигини таъминлаш (40,5 фоиз), тадбиркорларнинг ҳукуматга ишончини ошириш (23,2 фоиз), расмий ҳужжатларга тез-тез қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишининг олдини олиш (18,3 фоиз) ва тадбиркорлар фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш (18 фоиз) муҳим аҳамиятга эга. (2-расм).

Шунингдек, корхоналарнинг ташкилий ҳуқуқий шакли бўйича яқка тартибдаги тадбиркорлар (49 фоиз) ва Маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) вакиллари (39,1 фоиз) қарорларнинг самарадорлиги ва манзиллигини ошириш муҳимлигини таъкидлаган.

### 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023-йилнинг 18-августидagi очиқ мулоқоти ва тадбиркорлар учун яратилган қулайликлардан хабардорлик.

3-расм. Тадбиркорлар учун яратилган қулайликлардан хабардорлик ва уларнинг фаолиятидаги ўзгаришлар (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))




Сўровда иштирок этганларнинг 87,3 фоизи хабардорлигини, тадбиркорларнинг 12,7 фоизи эса яратилган қулайликлардан хабари йўқлигини билдирган. Энг юқори хабардорликка эга ҳудудлар сифатида Қорақалпоғистон Республика-си (95 фоиз), Андижон (93 фоиз) ва Хоразм (75 фоиз) вилоятлари кўрсатилган. Яратилган қулайликлар натижасида фаолиятида ижобий силжишлар бўлганлигини респондентларнинг 69,3 фоизир эътироф этган.

Уларнинг 23,4 фоизи амалга оширилаётган ислохотлар самарасини қисман ҳис қилаётганлигини таъкидлаган. Лекин сўровда иштирок этганларнинг 7 фоизи ўз соҳасида қулайликларни ҳис этмаганини билдирган. Ўзгаришлар бўлмади, деган жавобнинг юқори даражаси Навоий (10,3 фоиз) ва Тошкент (17,9 фоиз) вилоятларида қайд этилган (3-расм).

#### 4. 2023-йил 1-октябридан ҚҚСни қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш (Tax Gap) тизими бекор қилинишининг корхона фаолиятига таъсири<sup>1</sup>

4-расм. Tax Gap тизими бекор қилинишининг корхонангизга таъсири (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))



Тадбиркорларнинг учдан икки қисми (66,5 фоиз) солиқ тизимига киритилган ўзгаришларни ижобий баҳолаган. Фаолиятига таъсири бўлмаганларнинг улуши 12,8 фоиз бўлган. (4-расм).

Мазкур ўзгаришларни ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, Хоразм (79,2 фоиз), Андижон (77 фоиз) ва Бухоро (75,8 фоиз) вилоятлари тадбиркорлари фаолиятида солиқ тизимига киритилган ўзгаришлар натижасини ижобий баҳолаган.


Шунингдек, мазкур ўзгаришлар бўйича нисбатан паст кўрсаткич Тошкент (43,5 фоиз) вилоятида кузатилган. Ушбу салбий натижа мамлакатимизнинг юқори тадбиркорлик салоҳиятга эга Тошкент вилоятига тўғри келиши ушбу масалани алоҳида таҳлил қилишни зарурлигини кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> 04.09.2023 йил ПҚ-292-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг 8 банди.



## 5. Фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловчи тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмга оширилиши<sup>2</sup>.

5-расм. Фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловчи тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмга оширилиши таъсири (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))



Тадбиркорлар фаолиятига ушбу қарорнинг таъсири ижобий эканлигини сўровда иштирок этганларнинг 69 фоизи эътироф этган. Таъсири йўқлигини тадбиркорларнинг 17 фоизга яқин қайд қилган. Худудлар кесимида таъсири бўлмаганлигининг энг юқори даражаси Самарқанд (27,2 фоиз), Сурхондарё (26,2 фоиз) ва Тошкент (25,6 фоиз) вилоятларига тўғри келган (5-расм). Шунингдек, ташкилий ҳуқуқий шакли бўйича ўрганилганда, айниқса МЧЖ (72 фоиз), хусусий корхона (68,2 фоиз) ва фермер/деҳқон хўжаликлари вакиллари (69,2 фоиз) ушбу қарорнинг таъсири ижобий бўлганлигини қайд этган.


<sup>2</sup> 04.09.2023 йил ПҚ-292-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг 8 банди.

## 6. Янги ташкил этилган «Бизнесни ривожлантириш банки» хизматларидан фойдаланиш даражаси.

Тадбиркорларнинг 54,6 фоизи мазкур банк хизматларидан фойдаланганлигини, 20,4 фоизи ҳали бу банк хизматларидан фойдаланмаганлигини, 19,6 фоизи эса энди фойдаланмоқчи эканлигини билдирган. Шунингдек респондентларнинг 5,3 фоизи ушбу банк тўғрисида хабари йўқлигини таъкидлаган.


Ҳудудлар бўйича Хоразм (67,5 фоиз), Андижон (67,3 фоиз) ва Бухоро (67,3 фоиз) вилоятлари тадбиркорлари ушбу банк хизматларидан унумли фойдаланганлигини эътироф этган. Самарқанд (35 фоиз) вилоятида эса ушбу банк хизматларидан нисбатан кам фойдаланилгани кузатилган (6-расм).

6-расм. Тадбиркорларнинг «Бизнесни ривожлантириш банки» хизматларидан фойдаланиш даражаси (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))



## 7. «Кичик бизнесга кўмаклашиш маркази» томонидан билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган ўқув курсларининг ташкил этилиши<sup>3</sup>.

7-расм. Тадбиркорларнинг бизнес кўникмаларини шакллантириш йўналишида қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларидаги иштироки (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))



Тадбиркорларнинг 65 фоизи бизнес кўникмаларини шакллантириш йўналишида қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курсларида билим олганлигини билдирган. Шунингдек, тадбиркорларнинг 28 фоизи бу марказда ўқимаганлигини ва 7 фоизи ўқув курсларидан хабардор эмасликларини билдирган (7-расм).

Андижон (81 фоиз), Бухоро (77 фоиз), Сирдарё (70 фоиз), Хоразм (74,8 фоиз) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (74 фоиз) тадбиркорлари мазкур курсларда фаол иштирок этган. Ушбу марказ фаолиятдан хабардор эмаслик даражаси Навоий вилоятида энг юқори (19 фоиз) бўлган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2023 й. ПҚ-306-сонли «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

## 8. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури<sup>4</sup>.

Сўров натижаларига кўра, ушбу қўллаб-қувватлаш механизмидан республика бўйича тадбиркорларнинг 57,7 фоизи фойдаланмоқда.

Худудлар бўйича Андижон (72,8 фоиз), Хоразм (73,9 фоиз), Бухоро (64 фоиз) вилоятларида фойдаланиш даражаси нисбатан юқорироқ экани маълум бўлди. Сўров натижаларига кўра, Тошкент (46 фоиз), Самарқанд (44,1 фоиз), Навоий (41,5 фоиз) вилоятлари тадбиркорлари ушбу комплекс дастурдан фойдаланмаганлиги қайд этилган (8-расм). Тадбиркорларнинг 60,2 фоизи мазкур дастурнинг амалий фойдаси бўлгани, 19 фоизи бу дастурнинг фойдаси бўлмаганлигини кўрсатиб ўтган.


---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2023 й. ПҚ-306-сонли «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.



## 9. Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш тўғрисидаги қарор<sup>5</sup>.

8-расм. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурдан фойдаланганлик даражаси (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))



Тадбиркорларнинг 83,2 фоизи ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштиришга оид чора-тадбирлардан хабардорлиги, 16,8 фоизи эса хабардор эмаслигини кўрсатган. Тадбиркорларнинг асосий қисми ушбу қарорнинг ижобий таъсирини таъкидлаган.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги ПҚ-8-сон «Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш тўғрисидаги қарори.

## 10. Солиқ ислохотларини амалга оширишда солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг уч йил қилиб белгиланиши<sup>6</sup>.

Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг аксарият қисми (84 фоиз) ушбу ўзгаришдан хабардор эканлигини билдирган бўлсада, бу механизмнинг таъсирини турлича баҳолаган. Мамлакат бўйича уларнинг 70,3 фоизи ижобий таъсири борлигини, 14,4 фоизи таъсири йўқлигини, 13,8 фоизи ушбу механизмнинг мавжудлигидан хабардор эмаслигини қайд этган.

Худудлар кесимида ушбу механизмнинг юқори ижобий натижаси Хоразм (83,7 фоиз), Андижон (80 фоиз) ва Бухоро (80,4 фоиз) вилоятларида, аксинча, таъсири камлиги Сурхондарё (21 фоиз), Қашқадарё (22,9 фоиз) вилоятларида қайд этилган. Мавжуд механизмни билмайдиганларнинг юқори улуши Тошкент вилояти (23,4 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (21,4 фоиз) кузатилган.



<sup>6</sup> Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, 2024 йил 1 январдан солиқ органлари тадбиркорлик субъектларининг сўнгги 5 йил эмас, балки 3 йил давомидаги фаолиятини текшириш белгиланган.

## 11. Саноат зоналарида ер майдонлари ҳамда бино ва иншоотларни ижарага беришда тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш даврининг 12 ойдан 24 ойгача узайтирилиши<sup>7</sup>.

Расм-9. Саноат зоналарида ер майдонлари ҳамда иншо-отларни ижарага беришда тўловларни бўлиб тўлаш даврини 12 ойдан 24 ойгача узайтирилишини фаолиятингизга таъсири (сўровнома натижалари, июль 2024-йил, %)



Тадбиркорларнинг асосий қисми (77,1 фоиз) ушбу чоранинг ижобий таъсир кўрсатганлигини эътироф этган. Бироқ 9,3 фоиз тадбиркорлар бу имтиёздан қониқмаганлигини билдирган. Тадбиркорлар фаолиятида ушбу механизм қўлланилмаслигини 13,7 фоизи таъкидлаган. Худудлар бўйича бу имтиёзлардан кўпроқ Хоразм (91,2 фоиз), Бухоро (85,7 фоиз), Андижон (83,9 фоиз) вилоятлари унумли фойдаланишган.

Мазкур қулайликлар тадбиркорлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатган ҳудудлар қаторига Қашқадарё (18,3 фоиз), Самарқанд (14,9 фоиз) ва Жиззах (14,7 фоиз) вилоятлари кирган (9-расм).

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 ноябрдаги ПФ-198-сон Фармони.

## 12. Тадбиркорларнинг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга муносабати.

Тадабиркорларнинг аксарияти (74 фоиз) ҳукуматнинг тадабиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ижобий баҳолаган. (2023-йилда бу кўрсаткич 64 фоиз бўлган). Шунингдек, тадабиркорларнинг 15,7 фоизи чора-тадабирларга ҳозирча бетараф эканликларини билдирган (10-расм). Кўрилатган чора-тадабирларни салбий баҳолаганлар (4,6 фоиз) ҳам мавжуд.

Ҳудудлар бўйича нисбатан салбий баҳо Самарқанд (8,7 фоиз), Тошкент (7,4 фоиз) ва Жиззах (7,4 фоиз) вилоятларида кузатилган. Хоразм (86 фоиз), Навоий (81 фоиз), Андижон (81,1 фоиз) вилоятларида тадабиркорлик борасида олиб борилаётган ҳукумат сиёсатига нисбатан энг юқори ижобий баҳо берилган.

Расм-10. Ҳукумат томонидан тадабиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилатган чора-тадабирларга муносабат (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))





### 13. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирларини амалга ошириш.

Тадабиркорлар биринчи ўринда имтиёзли кредитлар механизмини содалаштириш (59,7 фоиз) кераклигини кўрсатиб ўтган. Солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш (34 фоиз) тадабиркорлик фаолиятини ривожлантиришда иккинчи муҳим омил сифатида қайд этилган. Учинчи муҳим чора сифатида солиқ ставкасининг янада пасайтирилиши (33 фоиз) таъкидланган.

Шунингдек, тадабиркорлар солиқ солинадиган базани қайта ҳисоблаш (16,1 фоиз), транспорт имтиёзлари (11,1 фоиз), субсидиялаш (12,1 фоиз), божхона имтиёзлари (8,9 фоиз) ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган (11-расм).

Расм-11. Тадабиркорликни ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))



## 14. Қўшимча қўллаб-қувватлашга муҳтож соҳалар.

Расм-12. Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож соҳалар (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))



Тадбиркорларнинг фикрига кўра, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида муҳтож соҳа ва тармоқлар қаторига қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (34 фоиз), саноат (27 фоиз), электр таъминотини барқарорлаштириш (21,2 фоиз), “яшил” иқтисодиёт ва экология (18,9 фоиз), сув таъминоти (17,3 фоиз), хизматлар (13,2 фоиз), чиқиндиларни қайта ишлаш (11,3 фоиз) ва бошқалар киритилган (12-расм).

## 15. Тадбиркорларнинг турли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик даражаси.

Сўровда иштирок этган тадбиркорлар асосан «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ (47,5 фоиз), «Ўзсаноатэкспорт» АЖ (34,9 фоиз), Ҳунарманд уюшмаси (32,7 фоиз) ва «Ўзтўқимачилик» уюшмаси (32,2 фоиз) хизматларидан унумли фойдаланганликларини эътироф этган (1-жадвал).

Тадбиркорларнинг турли уюшма ва ташкилотлар билан ўзаро фаолияти юқори даражада эмаслиги, уларга кўрсатилаётган хизматлар талаб даражасида эмаслигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолат махсус тузилган уюшмалар ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

1-жадвал. Тадбиркорлик фаолиятида ташкилот ва уюшмалар билан ҳамкорлик натижаси (сўров натижалари, 2024-йил, июль (%))

	Фаолиятимизга фойдали бўлган	Фаолиятимизга фойдаси тегмаган	Фаолиятимизга алоқаси йўқ
1. «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ	47,5	11,8	40,6
2. «Ўзсаноатэкспорт» АЖ	34,9	14,4	50,7
3. «Ўзинтеримпекс» АЖ	31,5	13,0	55,4
4. «Ўзмарказимпекс» АЖ	30,4	13,8	55,7
5. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси	32,2	13,0	54,8
6. «Ҳунарманд» уюшмаси	32,7	13,5	53,8
7. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси	31,5	13,0	55,5
8. «Ўзчармсаноат» уюшмаси	29,6	13,9	56,5
9. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси	31,3	12,8	55,9
10. «Ўзёғмойсаноати» уюшмаси	31,3	13,5	55,2
11. «Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмаси	32,1	13,2	54,6
12. «Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари» у...	31,1	13,7	55,2
13. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси	30,7	12,8	56,4
14. «Паррандасаноат» уюшмаси	30,9	13,5	55,6
15. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси	31,0	13,2	55,8
16. «Гул етиштирувчилар» уюшмаси	28,6	13,9	57,5
17. «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси	30,6	12,7	56,7

